

**QO'NG'IROT TUMANLARARO  
IQTISODIY SUDI**

230600, Qo'ng'iro't tumani  
R.Abdullaev ko'chasi, r/u



**KUNGRAD INTER-DISTRICT  
ECONOMIC COURT**

R.Abdullaev street  
Kungrad, 230600

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**Қўнғирот тумани 2022 йил 28 июнь 4-2303-2201/328-сонли иш**

Қўнғирот туманлараро иқтисодий суди судья Д.И.Давлетов раислигида, судья ёрдамчиси М.Хошмуратова котиблигида, \*\*\*\* бошқармаси даъвогар АТИБ "\*\*\*\*" манфаатида жавобгар "\*\*\*\*" фермер хўжалиги ҳисобидан 04.07.2018 йилдаги кредит шартномаси бўйича 1 333 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарзи, 2 476 580,67 сўм муддати ўтган кредит фоизи ва 50 268,94 сўм пеня ундириш ҳамда 17.07.2018 йилдаги кредит шартномаси бўйича 22 225 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарзи, 12 529 075,97 сўм муддати ўтган кредит фоизи ва 217 746,32 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризасини тарафлардан: даъвогар вакил \*\*\*\* (ишончнома асосида) иштирокида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**АНИҚЛАДИ:**

\*\*\*\* худудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) АТИБ "\*\*\*\*" (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида Қўнғирот туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, "\*\*\*\*" фермер хўжалиги (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 04.07.2018 йилдаги кредит шартномаси бўйича 1 333 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарзи, 2 476 580,67 сўм муддати ўтган кредит фоизи ва 50 268,94 сўм пеня ундириш ҳамда 17.07.2018 йилдаги кредит шартномаси бўйича 22 225 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарзи, 12 529 075,97 сўм муддати ўтган кредит фоизи ва 217 746,32 сўм пеня ундиришни сўраган.

Палата ўз даъво аризасида суд муҳокамасини палата вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъво талабларини қўллаб-қувватлаб, судга жавобгарнинг кредит шартномаси юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаётганлигини билдириб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг ўтказилиши вақти ва жойи тўғрисида жавобгар суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни ҳабардор қилган бўлса, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар иш юритиш вақтида ўз манзили ўзгарганлиги ҳақида судга хабар бериши шарт. Бундай хабар мавжуд бўлмаган тақдирда, ажримнинг кўчирма нусхаси судга маълум бўлган

охирги манзилга юборилиб, гарчи олувчи шу манзилда бўлмаса ҳам ёки яшамаса ҳам у етказиб берилган деб ҳисобланади, бундан ташқари иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин. Бундай ҳолда суд ишни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128, 129, 170-моддаларига асосан жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, қўйидаги асосларга кўра даъвони тўлиқ қаноатлантиришни ва суд харажатларини жавобгар ҳисобидан ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 8 ҳамда 234-моддаларига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолатда мажбурият кредит шартномасидан келиб чиққан.

ФКнинг 738-моддасига кўра эса қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

ФК 744-моддасининг биринчи қисмига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, АТИБ "\*\*\*\*\*" ва "\*\*\*\*\*" фермер хўжалиги ўртасида 2018 йил 4 июнь куни № 812-сонли кредит шартномаси (бундан буён матнда Шартнома деб юритилади) имзоланган.

Шартноманинг 2-бўлимига кўра "Банк" томонидан "Қарздор"га 20 000 000 (йигирма миллион) сўм миқдоридagi кредит сўммаси, 2018 йил 4 июндан 2020 йил 3 июнгача, кредит бўйича йиллик 17 фоиз билан (Човоқ сотиб олиш учун) кредит маблағи ажратилган.

Шартноманинг 1.1-бандида банк қарздорга мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган миқдорда ва шартлар асосида кредит (пул маблағлари) бериш мажбуриятини, қарздор эса навбатида олинган кредитни ушбу шартномада белгиланган муддатда қайтариш ва кредитдан фойдаланганлиги учун фоизлар ҳамда мазкур шартномада кўрсатилган бошқа тўловларини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 4.4-бандига асосан асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда, қарздор банкка асосий қарзнинг муддати ўтган қисмига бутун кечиктирилган давр учун, шартномада белгиланган фоиз ставкасининг 2 баробари миқдоридa фоиз тўлаши белгиланган.

Шунингдек, АТИБ “\*\*\*\*” ва “\*\*\*\*\*” фермер хўжалиги ўртасида 2018 йил 17 июль куни № 1340-сонли кредит шартномаси имзоланган.

Шартноманинг 2-бўлимига кўра “Банк” томонидан “Қарздор”га 50 000 000 (эллик миллион) сўм миқдоридagi кредит сўммаси, 2018 йил 17 июлдан 2021 йил 16 июлгача, кредит бўйича йиллик 17 фоиз билан (Она балиқлар ва Човоқ сотиб олиш учун) кредит маблағи ажратилган.

Шартноманинг 1.1-бандида банк қарздорга мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган миқдорда ва шартлар асосида кредит (пул маблағлари) бериш мажбуриятини, қарздор эса навбатида олинган кредитни ушбу шартномада белгиланган муддатда қайтариш ва кредитдан фойдаланганлиги учун фоизлар ҳамда мазкур шартномада кўрсатилган бошқа тўловларини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 4.4-бандига асосан асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда, қарздор банкка асосий қарзнинг муддати ўтган қисмига бутун кечиктирилган давр учун, шартномада белгиланган фоиз ставкасининг 2 баробари миқдорида фоиз тўлаши белгиланган.

Банк томонидан кредит шартномаларида назарда тутилган мажбуриятлар тўлиқ бажарилиб, жавобгарга белгиланган миқдорда кредит маблағлари ажратилиб берилган.

Бироқ, жавобгар шартномаларнинг ҳисобланган тўлов жадвалига мувофиқ равишда кредит ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича тўловларни амалга оширишни таъминламаган, яъни 04.07.2018 йилдаги кредит шартномаси бўйича 1 333 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарзи, 2 476 580,67 сўм муддати ўтган кредит фоизи ҳамда 17.07.2018 йилдаги кредит шартномаси бўйича 22 225 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарзи, 12 529 075,97 сўм муддати ўтган кредит фоизи, жами бўлиб иккита шартнома бўйича 38 563 656,64 сўм кредит қарздорлигига юзага келишига йўл қўйган.

Мазкур қарздорликни тўлаб беришни сўраб, даъвогарнинг жавобгарга юборган огоҳлантириш хати жавобгар томонидан ижросиз қолдирилган.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 744-моддаси асосан, кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 3-бандига кўра, банк ёки бошқа кредит ташкилоти ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий

муносабат кредит ташкилотининг кейинчалик, келишилган муддатларда, кредит бериш (кредит линиясини очиш) мажбуриятини ва қарз олувчининг олинган кредитни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади.

ФКнинг 735-моддасига асосан қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

ФКнинг 736-моддаси иккинчи ва учинчи қисмида назарда тутилишича, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Агар қарз шартномасида қарз бўйича фоизларни қарзнинг ўзини қайтариш муддатидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлса, бу мажбурият бузилган тақдирда, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини тегишли фоизлари билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Бироқ, жавобгар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган, қарздорлик суммаси тўланмаган ва ҳозирги кунга қадар тўлаш чоралари кўрилмаганлиги сабабли, ушбу қисми бўйича даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топди.

Бундан ташқари, даъвогарнинг даъво аризасида 04.06.2018 йилдаги шартномадаги мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгардан 50 268,94 сўм пеня ундириш талаби қўйилган.

Шунингдек, 17.07.2018 йилдаги шартномадаги мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгардан 217 746,32 сўм пеня ундириш талаби қўйилган.

ФКнинг 261-моддасига кўра, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Шартномаларнинг 4.4-банди иккинчи қисмида, фоизларни белгиланган муддатда тўламаганлик ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун қарздор банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлаши белгиланган.

ФКнинг 333-моддасида қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб бериши белгиланган. Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунини иқтисодий судлар амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2002 йил 04 мартдаги 103-сонли қарори 10-бандига

кўра, қонун ҳужжатлари ва шартномада бошқача тартибда жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик (шартнома интизомини бузганлик) учун Қонуннинг 25-32-моддаларига асосан жавобгарлик қўлланилиши, агар хўжалик шартномасида шартнома интизомини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган бўлса, тарафларнинг жавобгарлиги шартномага асосан қўлланилиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Шу сабабли, жавобгар томонидан шартномавий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги сабабли, суд даъвонинг пеня ундириш тўғрисидаги талабини асосли деб ҳисоблайди.

Суд, даъвонинг пеня ундириш талабини муҳокама этар экан, жавобгар томонидан мажбурият ўз вақтида бажарилмаганлиги, сўралган пеня миқдори мажбуриятнинг бузиш оқибатларига мутаносиблиги ва бажарилмаган мажбуриятнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда талаб қилинганлигини назарда тутиб, суд мазкур талабни тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234, 236, 333, 735, 744-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 170, 176, 179-моддаларига асосан, суд

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Даъвогарнинг даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар "\*\*\*\*\*" фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар АТИБ "\*\*\*\*\*" фойдасига 04.07.2018 йилдаги кредит шартномаси бўйича 1 333 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарзи, 2 476 580,67 сўм муддати ўтган кредит фоизи ва 50 268,94 сўм пеня ҳамда 17.07.2018 йилдаги кредит шартномаси бўйича 22 225 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарзи, 12 529 075,97 сўм муддати ўтган кредит фоизи ва 217 746,32 сўм пеня ҳамда 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар "\*\*\*\*\*" фермер хўжалиги ҳисобидан республика бюджетига 776 633,44 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция шикоятни бериш (протест келтириш) мумкин.

**Раислик қилувчи**

**Д.И.Давлетов**